

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**839** **Маданият ва санъат ташкилотлари, ижодий уюшмалар ва оммавий ахборот воситалари фаолиятини янада ривожлантириш, соҳа ходимлари меҳнатини рағбатлантириш бўйича қўшимча шароитлар яратишга доир чора-тадбирлар тўғрисида**

Маданият ва санъат ташкилотлари, ижодий уюшмалар ва оммавий ахборот воситалари фаолиятини янада ривожлантириш, шу соҳада меҳнат қилаётган, ўзининг бадий, ижтимоий-сиёсий руҳдаги ижодий асарлари билан халқимиз маънавиятини юксалтириш, жамиятимизда тинчлик-осойишталик, ўзаро ҳамжиҳатлик ва меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшаётган шоир ва ёзувчилар, рассомлар, маданият ва санъат ходимлари, журналистлар меҳнатини рағбатлантириш бўйича қўшимча шароитлар яратиш мақсадида:

1. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари шаҳарларда барпо этиладиган кўп квартиралли арзон уйлар ҳамда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар асосида барпо этилаётган арзон уй-жойларга муҳтож фуқаролар рўйхатини белгиланган тартибда шакллантиришда Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, «Ўзбеккино» Миллий агентлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги тизимидаги ташкилотлар, Ўзбекистон Журналистлар ижодий уюшмаси, Ўзбекистон Бадий академияси, Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси аъзолари ва ходимлари, жумладан, ушбу соҳалардаги истеъдодли ва истиқболли ёшларнинг уй-жойга бўлган эҳтиёжи инobatга олинсин.

2. Қуйидагилар:

Илм-фан, адабиёт ва санъат асарлари нашр этилгани учун муаллифлик ҳақининг энг кам ставкалари — 1-иловага мувофиқ;

оммавий ижро учун драматик, мусиқали ва мусиқали-драматик, адабий асарлар яратиш бўйича буюртмаларни бажаргани учун, ҳайкалтарошлик асарлари, тасвирий санъат асарлари яратгани, бадий лойиҳалаштириш ва конструкциялаш ишлари учун муаллифлик ҳақининг энг кам ставкалари, шунингдек, ушбу пул Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тўланганида унинг энг юқори ставкалари — 2-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, телевидение ва радио каналлари орқали бериладиган материаллар учун ҳақ тўлашнинг энг кам ставкалари — 3-иловага мувофиқ;

кинофильмлар учун адабий сценарийлар, оригинал мусиқа ва қўшиқлар матнини яратгани учун муаллифлик ҳақининг энг кам ставкалари — 4-иловага мувофиқ;

кинофильмлар учун маслаҳатлар бериш бўйича мутахассислар меҳнатига ҳақ тўлашнинг энг кам ставкалари — 5-иловага мувофиқ;

кинофильмлар постановкаси учун уларнинг бадиий даражасига кўра суратга олиш гуруҳларининг ижодий ходимларига постановка қилгани учун тўланадиган ҳақнинг энг кам ставкалари — 6-иловага мувофиқ тасдиқлансин ва 2018 йил 1 январдан бошлаб амалга киритилсин.

Белгилансинки, муаллифлик ҳақи ва унга доир бошқа тўлов турларини ушбу қарорнинг 1 — 6-иловаларида белгиланган даражадан кам миқдорда тўлашга йўл қўйилмайди.

3. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Молия вазирлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, «Ўзбеккино» Миллий агентлиги, ижодий уюшмалар ҳамда муаллифлик ҳақи ва унга доир бошқа тўлов турларини Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тўлайдиган ташкилотлар юқорида кўрсатиб ўтилган мақсадлар учун сарфланадиган харажатларни ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларида назарда тутиладиган бюджет маблағлари доирасида бўлишини қатъий таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига 7-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

5. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.М. Султонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2017 йил 14 август,
ПҚ-3201-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2017 йил 14 августдаги
ПҚ-3201-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Фан, адабиёт ва санъат асарлари нашр этилганлиги
учун муаллифлик ҳақининг энг кам
СТАВКАЛАРИ**

1. Битта китобнинг бошланғич нархи (қиймати)дан фоиз ставкалари тарзида тўланадиган муаллифлик ҳақининг энг кам ставкалари

| Муаллифлар | Битта китобнинг бошланғич нархи (қиймати)дан фоиз ставкалари тарзида тўланадиган энг кам ставка |
|---|---|
| 1. Оригинал асарларни нашр этиш: - асар муаллифига | 10 |
| 2. Таржима асарларни нашр этиш: - оригинал асар муаллифига - таржимонга | 6 4 |
| 3. Оралиқ таржимадан фойдаланган ҳолда нашр этилган тақдирда: - оригинал асар муаллифига - оралиқ таржима таржимонига - нашр этилган тил таржимонига | 6 2 4 |

2. Энг кам ойлик иш ҳақиға нисбатан коэффициент бўйича тўланадиган муаллифлик ҳақининг энг кам ставкалари

| | | Тираж нормаси, Минг нусха | Энг кам ойлик иш ҳақиға нисбатан Коэффициент бўйича бир муаллифлик Табоғи учун муаллифлик ҳақининг энг кам ставкаси |
|--|--|---------------------------|---|
| а) Оригинал адабий-бадий асарлар, драматургия, адабиётшунослик, санъатшунослик асарлари | | | |
| 1. | Бадий наср | 5 гача | 3,0 |
| | | 10 гача | 5,0 |
| | | 20 гача | 8,0 |
| | | 20 ва ундан ортиқ | 12,0 |
| 2. | Пьесалар, киносценарийлар | 5 гача | 6,0 |
| | | 5 дан ортиқ | 7,0 |
| 3. | Бир муаллифлик табоғигача бўлган бадий ҳикоя | бутун асар учун | 6,0 |
| 4. | Бир пардали пьеса | - | 15,0 |
| 5. | Халқ ижодиёти асарларини ёзиб олиш ва қайта ишлаш: наسرда | 5 гача | 3,5 |
| | | 10 гача | 5,0 |

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й.

| | | Тираж нормаси, Минг нусха | Энг кам ойлик иш ақига нисбатан Коэффициент бўйича бир муаллифлик Табоғи учун муаллифлик ақининг энг кам ставкаси |
|---|---|---|---|
| | шеърятда (1 сатри учун) | 20 гача | 7,0 |
| | | 20 ва ундан ортиқ | 10,0 |
| | | 5 гача | 0,15 |
| | | 10 гача | 0,02 |
| | | 20 гача | 0,025 |
| | | 20 ва ундан ортиқ | 0,035 |
| 6. | Шеърят (шу жумладан, болалар учун шеърый пьесалар) (1 сатри учун) | 5 гача | 0,02 |
| | | 10 гача | 0,025 |
| | | 20 гача | 0,035 |
| | | 20 ва ундан ортиқ | 0,05 |
| 7. | 30 сатргача шеър ва ҳажмидан қатъи назар, қўшиқнинг шеърый матни | - | 6,8 бутун асар учун |
| 8. | Эпиграмма, плакат учун шеърый матн | - | 2,0 |
| 9. | Мактабгача ва кичик мактаб ёшидаги болалар учун асарлар (1 муаллифлик табоғигача насрда, 100 сатргача назмда) | 5 гача | 5,0 |
| | | 10 гача | 7,0 |
| | | 20 гача | 9,0 |
| | | 20 ва ундан ортиқ | 12,0 |
| 10. | Адабий асарларни болалар учун қайта ҳикоя қилиб бериш ва қайта ишлаш | 5 гача | 3,5 |
| | | 10 гача | 5,0 |
| | | 20 гача | 7,0 |
| | | 20 ва ундан ортиқ | 8,0 |
| 11. | Болалар учун илмий-оммабоп адабиётлар | 5 гача | 5,0 |
| | | 10 гача | 7,0 |
| | | 20 гача | 9,0 |
| | | 20 ва ундан ортиқ | 11,0 |
| 12. | Адабий-танқидий, адабиётшунослик асарлари | 5 гача | 5,0 |
| | | 10 гача | 7,0 |
| | | 20 гача | 9,0 |
| | | 20 ва ундан ортиқ | 11,0 |
| 13. | Адабий-танқидий тақризлар (0,5 муаллифлик табоғигача) | - | 5,0 бутун асар учун |
| 14. | Оригинал библиографик ишлар, китобга аннотациялар, китобдаги библиографик кўрсаткичлар | - | 5,0 |
| 15. | Шарҳлар ва изоҳлар | - | 5,0 |
| 16. | Кириш мақолалари, сўзбошилар, сўнгги сўзлар | - | 12,0 |
| 17. | Адабий миниатюралар | - | 3,0 бутун асар учун |
| б) Сиёсий, илмий, ишлаб чиқариш-техника, ўқув ва бошқа адабиётларга оид оригинал асарлар | | | |
| 1. | Илмий-назарий масалаларга доир адабиёт- лар, билимларнинг барча соҳалари бўйича монографиялар (адабиётшунослик ва санъатшунослик бўйича адабиётлар бундан мустасно) | Ушбу бўлим бўйича нусха нормаси ҳисобга олинмайди | 8,0 |

| | Тираж нормаси, Минг нусха | Энг кам ойлик иш ақига нисбатан Коэффициент бўйича бир муаллифлик Табоғи учун муаллифлик ақининг энг кам ставкаси |
|---|--|---|
| 2. | Оммавий-сиёсий адабиётлар | - 6,0 |
| 3. | Фан ва техниканинг барча турлари бўйича (болалар учун илмий-оммабоп адабиётлардан ташқари) илмий-оммабоп адабиётлар | - 8,0 |
| 4. | Билимлар ва халқ хўжалигининг барча тармоқлари бўйича ишлаб чиқариш-техника адабиётлари, илмий-техника ва бошқа маълумотномалар, статистик тўпламлар, тақвим-маълумотномалар, асбоб-ускуналар учун маълумотнома-каталоглар, йўл кўрсаткичлар | - 5,0 |
| 5. | Ўқув адабиётлари | |
| | Умумтаълим мактаблари, ўрта-махсус ва олий ўқув юртлари учун дарсликлар (оригиналасар) | - 7,5 |
| | Умумтаълим мактаблари, ўрта-махсус ва олий ўқув юртлари учун дарсликлар таржимаси | - |
| | - оригинал асар муаллифига | - 4,5 |
| | - таржимонга | - 3 |
| | Ўқув ва методик қўлланмалар, луғатлар, диктантлар тўпламлари ва хрестоматиялар, маърузалар матнлари (оригинал асар) | - 6,0 |
| | Ўқув ва методик қўлланмалар, луғатлар, диктантлар тўпламлари ва хрестоматиялар, маърузалар матнлари таржимаси | |
| | - оригинал асар муаллифига | - 3,5 |
| - таржимонга | - 2,5 | |
| Ўқув адабиётлари: кўргазмали қўлланмалар, жадваллар, альбомлар, ўйинлар, хариталар, плакатлар | - 2,0 | |
| 6. | Қомуслар ва қомусий луғатлар учун мақолалар | - 8,0 белгилар сонига қараб |
| | а) 40000 дан ортиқ белгилар учун ҳар бир муаллифлик табоғи ҳисобига қўшимча ҳақ тўланади | - 10,0 |
| 7. | Изоҳли луғатлар, махсус атамалар, синонимлар луғатлари, лексик ва орфографик луғатлар | - 7,5 |
| 8. | Рефератлар ва обзорлар | - 2,8 |
| 9. | Кириш мақолалари, сўзбошилар, сўнгсўзлар | - 7,5 |
| 10. | Оригинал библиографик ишлар, кўрсаткичлар, аннотациялар, воқеалар тақвими, ҳаёт ва фаолият солномалари | - 3,0 |
| 11. | Техникавий ва бошқа альбомлар | - 5,5 |
| 12. | Шарҳлар ва изоҳлар | - 3,0 |
| 13. | Йиртма тақвимлар, кроссвордлар, чайнвордлар, криптограммалар, викториналар, ребуслар, шарадалар (топишмоқнинг тури), бошқотирмалар, топишмоқлар | - 5,5 бутун асар учун |
| 14. | Мавзулар ва плакатлар, шу жумладан плакатларнинг барча турлари бўйича матн ва рақамли материаллар тайёрлаш | - 1,0 |

| | | Тираж нормаси, Минг нусха | Энг кам ойлик иш ақиға нисбатан Коэффициент бўйича бир муаллифлик Табоғи учун муаллифлик ақининг энг кам ставкаси |
|---|---|---|---|
| 15. | Стол усти-босма ўйинлари | - | 6,0 |
| 16. | Мактабгача ва кичик мактаб ёшидаги болалар учун альбомлар ва йиғмалар, китоб-ўйинчоқлар, мавзулар, конструкциялар тайёрлаш ва тушунтириш матнини ёзиш | - | 5,0 |
| в) Муסיқали ва муסיқали-адабий асарлар | | | |
| 1. | Опералар, балетлар, муסיқали комедиялар, оперетта, мюзикл | 0,05 клавир 0,02 партитура | 40,0 |
| 2. | Симфоник оркестрлар учун асарлар — симфония, оратория, кантата ва бошқалар | 0,05 клавир 0,02 партитура 0,05 клавир 0,02 партитура 0,05 клавир 0,02 партитура | 15,0 |
| 3. | Халқ чолғу асбоблари оркестрлари ва духовой оркестрлар учун асарлар | 0,03 клавир 0,03 партитура | 8,0 4,0 |
| 4. | Эстрада оркестрлари ва ансамбллари учун асарлар | 0,07 клавир 0,03 партитура | 5,0 2,2 |
| 5. | Камер асарлар | 0,5 дан 3 гача клавир | 6,0 |
| 6. | Вокал асарлар | 1 дан 5 гача клавир | 9,7 |
| 7. | Муסיқали асарлар учун матнлар | нусхалари муסיқа асарларининг тегишли турлари бўйича белгиланади | 8,8 |
| г) Асарлар тўпламлари | | | |
| 1. | Тўпламлар тузиш | - | 3,0 нусхалар сонидан қатъи назар, ҳақ тўланади |
| 2. | Луғатлар учун сўзликлар | - | 0,0045 (битта сўз учун) |
| д) Асарлар таржималари | | | |
| Адабий-бадиий асарлар | | | |
| 1. | Бадиий наср (шу жумладан, болалар учун пьесалар, сценарийлар, илмий-бадиий, бадиий-хужжатли адабиётлар, танқид, адабиётшунослик, санъатшунослик асарлари) | - | 4,5 |
| 2. | Шеърят (шу жумладан болалар учун шеърлий пьесалар) | - | 0,045 (1 сатри учун) |
| 3. | Кўшиқларнинг шеърлий матни, ҳажмидан қатъи назар, адабий миниатюралар | - | 3,0 асар учун таржимонга |

| | Тираж нормаси, Минг нусха | Энг кам ойлик иш ақиға нисбатан Коэффициент бўйича бир муаллифлик Табоғи учун муаллифлик ақининг энг кам ставкаси |
|----|---|---|
| 4. | Ижтимоий-иқтисодий, ўқув, фалсафий, юридик, табиий-илмий, илмий-назарий асарлар, ишлаб чиқариш-техника адабиётлари, маълумотномалар | 3,0 |
| 5. | Бошқа адабиётлар | 1,5 |

3. Асарлар репрографияси учун А-4 (30 x 21 см) ўлчамли битта саҳифа учун муаллифлик ҳақининг энг кам ойлик иш ҳақи бўйича энг кам ставкалари

| Асарлар турлари | Энг кам ойлик иш ақиға нисбатан коэффициент бўйича бир саифа учун муаллифлик ҳақининг энг кам ставкаси |
|---|--|
| 1. Дарсликлар ва педагогик адабиётлар | 0,005 |
| 2. Монографиялар, мусиқа асарлари ноталари, архив хужжатлари, фоторасмлар ва бошқалар | 0,007 |
| 3. Бадий адабиёт: | |
| - наср | 0,002 |
| - шеърлар | 0,005 |
| 4. Муаллифлик ҳуқуқи билан ҳимоя қилинадиган бошқа материаллар | 0,007 |

Изоҳлар:

1. Муаллифлик табоғи — 40 000 босма белгиларга, шеърий асарларни нашр этишида 700 сатрга, график материални (расмлар, диаграммалар, жадваллар, мусиқа ноталари ва ҳоказолар) нашр этишида 3000 кв. сантиметрга тенг бўлган нашр этиладиган асар ҳажмини ўлчаши бирлиги. Ҳарфлар, тиниш белгилари, рақамлар ва бошқалар ҳамда сўзлар ўрта-сидаги ҳар бир оралиқ босма белгилар ҳисобланади.

2. Китобнинг бирламчи нархи (қиймати) (муаллифлик ҳақи фоизларда ҳисоблаб чиқилганда) — китоблар туркумини (тиражини) сотиши учун савдо шохобчасига бериши кунда нашриёт томонидан белгиланган китобнинг нархи (сотувчининг савдо устамасини ҳисобга олмасдан).

3. Тираж нормаси — нашр этишида мазкур иловада ёки шартномада назарда тутилган бир тариф ставкаси миқдорида муаллифлик ҳақи тўланадиган китоблар сони.

4. Оралиқ таржима — оригинал асарнинг тўғридан-тўғри бўлмаган таржимаси, яъни илгари бошқа тилга таржима қилинган асар матнини таржима қилиши.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2017 йил 14 августдаги
ПҚ-3201-сон қарорига
2-ИЛОВА

Оммавий ижро этиш учун драматик, мусиқали ва мусиқали-драматик адабий асарлар яратиш бўйича буюртмаларни бажарганлик учун, ҳайкалтарошлик асарлари, тасвирий санъат асарлари яратганлик, бадий лойиҳалаштириш ва конструкциялаш учун муаллифлик ҳақининг энг кам ставкалари, шунингдек, ушбу ҳақ Давлат бюджети маблағлари ҳисобига тўланганда унинг энг юқори СТАВКАЛАРИ

1. Оммавий ижро этиш учун драматик, мусиқали ва мусиқали-драматик асарлар яратишга буюртмаларни бажарганлик учун муаллифлик ҳақи ставкалари

| Асарларнинг тури | Энг кам ойлик иш ақига нисбатан коэффициент бўйича бир асар учун муаллифлик ақи | |
|--|---|--|
| | ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори | давлат бюджети маблағлари ҳисобига ақ тўлашда ақ тўлашнинг энг кўп миқдори |
| Драматик асарлар | | |
| Кўп пардали ва бир пардали пьесалар: | | |
| насрда | 80,0 | 225,0 |
| назмда | 100,0 | 300,0 |
| Инсценировкалар (бир пардали, кўп пардали) | 27,0 | 75,0 |
| Пьесаларнинг таржималари (бир пардали, кўп пардали): | | |
| насрда | 13,0 | 85,0 |
| назмда | 15,0 | 105,0 |
| Драматик асарларни таҳрир қилиш ва тақриз қилиш | 10,0 | 12,0 |
| Шеърларни таҳрир қилишда ҳар бир сатр учун | 0,07 | 0,5 |
| Мусиқали асарлар | | |
| Опера, балет (кўп пардали) | 300,0 | 2000,0 |
| Оперетта, мусиқали комедия, мусиқали драма (кўп пардали), мюзикл | 200,0 | 450,0 |
| Кантата, концерт, бир қисмдан иборат йирик чолғу асари, фантазия, симфоник поэма, баллада, рапсодия, прелюдия ва fuga, сюита, вариация, увертюра, симфонетта ва бошқалар | 50,0 | 150,0 |
| Оратория, симфония | 300,0 | 500 |
| Романслар, бир қисмдан иборат кичик асарлар, маршлар, рақслар ва эстрада оркестрлари, халқ чолғу оркестрлари ва бошқа оркестрлар учун кичик пьесалар | 20,0 | 60,0 |
| Камер ансамбллар ва камер мусиқалар | 20,0 | 100,0 |
| Ўқув-педагогик репертуар учун камер ансамбллар ва камер мусиқалар | 10,0 | 50,0 |
| Турли жанрдаги хор асарлари | 20,0 | 70,0 |
| Пьесаларга мусиқалар | 15,0 | 30,0 |
| Болалар ва ўқув репертуарига мўлжалланган кўшиқларга мусиқа | 10,0 | 20,0 |
| Цирк номери, цирк аттракционни, пантомима, бир бўлимдан иборат сюжетли цирк спектакли, муз устида балет учун мусиқалар | 10,0 | 20,0 |

| Асарларнинг тури | Энг кам ойлик иш ақига нисбатан коэффициент бўйича бир асар учун муаллифлик ақи | |
|--|---|--|
| | ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори | давлат бюджети маблағлари исобига ақ тўлашда ҳақ тўлашнинг энг кўп миқдори |
| Театр-драматик постановкалар ва кўғирчоқ спектакллари учун мусиқалар | 30,0 | 100,0 |
| Мусиқа асарларига тақриз | 3,0 | 8,0 |
| Мусиқа билан боғлиқ адабий асарлар | | |
| Кўп пардали: опера, оперетта, мусиқали комедия либреттоси | 80,0 | 160,0 |
| Кўп пардали балет либреттоси | 40,0 | 60,0 |
| Оратория, кантата либреттоси | 20,0 | 40,0 |
| Опера, оперетта, мусиқали комедия либреттосининг таржимаси | 40,0 | 60,0 |
| Кўп пардали балет хореографияси | 125,0 | 175,0 |
| Кўп пардали мусиқали драма-пьеса | 100,0 | 200,0 |
| Операда, опереттада битта балет номери хореографияси | 10,0 | 20,0 |
| Эстрада ва цирк учун асарлар | | |
| Скетчлар (кичик ҳажвий ёки кулгили пьесалар), драматик этюдлар, фельетонлар, миниатюралар, интермедиялар, конференслар, ҳикоялар, новеллалар, монологлар | 13,4 | 25,0 |
| Кўшиқлар учун матнлар | 5,0 | 15,0 |
| Куплетлар ва лапарлар | 1,0 | 2,0 |
| Куплетлар учун мусиқалар | 1,0 | 2,0 |
| Эстрада ва оригинал жанр номерлари монтажлари, композициялари, адабий безаклари | 1,0 | 2,0 |
| Бошловчи учун кириш монологи | 3,0 | 6,7 |
| Жамоа ижроси учун мўлжалланган муқаддима ва хотима | 19,3 | 23,0 |
| Қисқа диалог, қисқа шеърлий матн | 2,6 | 3,3 |
| Раёк | 8,0 | 10,6 |
| Антрени адабий қайта ишлаш | 6,6 | 10,6 |
| Масхарабоз антреси, мусиқали эксцентриклар учун антре | 16,0 | 26,6 |
| Алоҳида реприз | 5,4 | 10,6 |
| Пантомима, сюжетли цирк томошаси (либретто ва матн) | 60,0 | 100,0 |
| Сценарий: | | |
| - цирк номери учун | 20,0 | 40,0 |
| - цирк аттракцион учун | 40,0 | 80,0 |
| Цирк ёки эстрада томошаси учун мусиқали муқаддима, мусиқали антракт | 6,6 | 13,3 |
| Марш, галоп, вальс, полька, романс ва бошқа кичик пьесалар | 13,4 | 16,7 |
| Цирк ва эстрада номерига жўр бўлиш учун мўлжалланган кичик мусиқа асарлари | 2,0 | 3,0 |
| Цирк ёки эстрада номерини мусиқали компилятив безаш | 2,6 | 2,7 |
| Сюжетли эстрада томошалари сценарийлари ва матнлари | 80,0 | 150,0 |
| Оммавий байрамнинг адабий сценарийси | 33,4 | 35,0 |
| Либретто: | | |
| - саҳнада камида 4 дақиқа эшиттириладиган вокал-хореографик постановка учун | 20,0 | 33,4 |
| - театрлаштирилган мавзули концерт учун | 20,0 | 23,3 |
| - сюжетли балет номерлари учун (камида 2 ижрочи иштирокида) | 16,0 | 26,6 |

| Асарларнинг тури | Энг кам ойлик иш ақига нисбатан коэффициент бўйича бир асар учун муаллифлик ақи | |
|--|--|--|
| | ақ тўлашнинг энг кам миқдори | давлат бюджети маблағлари ҳисобига ақ тўлашда ақ тўлашнинг энг кўп миқдори |
| - якка ҳолда ижро этиладиган балет рақслари учун | 10,0 | 20,0 |

Изоҳлар:

1. Бир пардали опера, балет, оперетта, мусиқали комедия, мусиқали драмага асарнинг аҳамиятлилигига қараб ҳақ тўлиқ миқдорининг 45 фоизидан 75 фоизигача ҳақ тўланади.

2. Симфоник ва халқ, духовой ва бошқа оркестрлар учун инструментал иловаларга оригинал асар учун ҳақ тўлиқ миқдорининг 50 фоизигача миқдорда ҳақ тўланади.

3. Халқ қўшиқларини қайта ишлаш ва қўшиқлар аранжировкаси учун оригинал асар учун муаллиф ҳақи миқдорининг 50 фоизигача миқдорда ҳақ тўланади.

2. Ҳайкалтарошлик асарлари, тасвирий санъат асарлари яратганлик, бадиий лойиҳалаштириш ва конструкциялаш учун муаллифлик ҳақи ставкалари

| Асарлар турлари | Энг кам ойлик иш ақига нисбатан коэффициент бўйича бир асар учун муаллифлик ақи | |
|--|--|--|
| | ақ тўлашнинг энг кам миқдори | давлат бюджети маблағлари ҳисобига ақ тўлашда ақ тўлашнинг энг кўп миқдори |
| Тасвирий санъат асарлари | | |
| Махсус дастгоҳда ишланган суратлар ва маҳсулотлар | 14,0 | 750,0 |
| Плакатлар яратиш | 60,0 | 500,0 |
| Композициялар яратиш | 100,0 | 250,0 |
| Материалда бажариш | 6,0 | 35,0 |
| Манзарали-амалий санъат, қўлда тўқиш техникаси асарларини яратиш | 40,0 | 750,0 |
| Бадиий конструкциялаш асарини яратиш | 26,0 | 750,0 |
| Форэскиз яратиш | 100,0 | 500,0 |
| Хомаки лойиҳалар | 40,0 | 150,0 |
| Бадиий безаш санъати асарларини яратиш | 2,0 | 50,0 |
| Хомаки лойиҳалар | 14,0 | 75,0 |
| Контурда бажариш | 6,0 | 500,0 |
| Бадиий-чизма асарлар яратиш | 2,0 | 100,0 |
| Ҳайкалтарошлик асарлари | | |
| Ансамбль, композиция, бюст ҳайкали | 35,0 | 750,0 |
| Композициянинг ишчи модели | 25,0 | 250,0 |
| Иншоот катталигидаги модель | 50,0 | 500,0 |
| Моументал-манзарали ва махсус дастго да ишланган айқал | | |
| Юмалоқ ҳайкал | 200,0 | 750,0 |
| Анималистик ҳайкал | 40,0 | 150,0 |
| Шакли рельефлар ва рельефларнинг бошқа турлари | 6,0 | 175,0 |
| Кичик ҳайкалча | 40,0 | 150,0 |
| Махсус дастгоҳда ишланган суратлар ва чизмалар, этюдлар, эскизлар, хомаки суратлар | 14,0 | 500,0 |
| Форэскизлар, эскиз | 40,0 | 100,0 |
| Картон, масштабни картон, калько-шаблон | 5 | 30,0 |

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2017 йил 14 августдаги
ПҚ-3201-сон қарорига
3-ИЛОВА

**Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги каналлари орқали, телевидение
ва радиода бериладиган материаллар учун ҳақ тўлашнинг энг кам
СТАВКАЛАРИ**

| Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги каналлари орқали, телевидение ва радиода бериладиган материаллар учун | |
|--|---------------------------|
| Материаллар тури | Ҳақ тўлаш ставкаси |
| Ахборот жанрлари | 4,0 |
| Таҳлилий жанрлар | 5,0 |
| Махсус буюртма материаллар (аккорд) | 5,0 |
| Таржима материаллар: | |
| Ахборот жанридаги материаллар таржимаси учун | 3,0 |
| Таҳлилий материаллар таржимаси учун | 4,0 |
| Махсус буюртма материаллар таржимаси учун (аккорд) | 4,0 |
| Расмий, тезкор, ахборот-таҳлилий материаллар таҳрири | 4,0 |
| Фотоматериаллар (берилган ва оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган суратлар) | 1,0 |

| Телевидение ва радиода бериладиган материаллар учун | |
|--|---|
| Материалларнинг тури | Энг кам ойлик иш ҳақиға нисбатан коэффициент бўйича ҳақ тўлаш ставкалари |
| Ахборот жанрлари | 1,36 |
| Таҳлилий жанрлар | 2,16 |
| Бадий-публицистик жанрлар | 7,5 |
| Мураккаб дастурлар (ижтимоий сиёсий ва социал иқтисодий), байрам, телерадио-шоу | 15,0 |
| Бадий ва ҳужжатли фильмлар, сериал, мульт- фильмларнинг таржимаси (дубляж) | 3,0 |
| Болалар учун теледастурлар | 4,0 |
| Халқаро ва маҳаллий спорт ўйинлари ва футбол репортажлари | 1,5 |
| Видео, -радио ролик, анонс (ҳар бир тайёрланган маҳсулот учун) | 0,2 |
| Илмий оммабоп кўрсатувлар | 4,0 |
| Саҳналаштириш тўловлари | |
| Телекўрсатувлар постановкаси | 8,6 |
| Радиоэшиттиришлар постановкаси | 7,2 |
| Трансляция | 7,0 |
| Дубляж постановкаси | 5,0 |
| Видео, -радио ролик, анонс постановкаси | 15,0 |

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й.

Изоҳ: ушбу илованинг мақсадлари учун махсус буюртма (аккорд) материаллар – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати ва Қонунчилик палатаси, Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони, Вазирлар Маҳкамаси ҳамда давлат органларининг махсус буюртмаси бўйича Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти (фармонлар, қарорлар, фармойишлар, расмий таширфлар, сафарлар, матбуот конференциялари, баёноتلар, маърузалар, учрашувлар, нутқлар), Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, бошқа давлат органлари фаолияти тўғрисида, шунингдек муҳим расмий тадбирлар, хал - аро воқеалар тўғрисида, мамлакатда амалга оширилаётган ислохотлар, Ўзбекистон Республикасининг сиёсий, ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий, спорт соҳаларидаги муҳим воқеалар ҳамда чет элларда содир бўлаётган воқеалар тўғрисида ёзилган материаллар.

Телевидение ва радиода бериладиган материаллар учун тўловлар бир соатлик кўрсатув ҳажмидан келиб чиқиб белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2017 йил 14 августдаги
ПҚ-3201-сон қарорига
4-ИЛОВА

**Кинофильмлар учун адабий сценарийлар, оригинал
музыка ва қўшиқлар матнларини яратганлик учун
муаллифлик ҳақининг энг кам
СТАВКАЛАРИ**

1. Бадий кинофильмларнинг адабий сценарийларини яратганлик учун муаллифлик ҳақининг энг кам ставкалари:

| Муаллифлик ҳақи тўловлари | Энг кам ойлик иш ҳақига нисбатан коэффициент бўйича муаллифлик ҳақининг энг кам ставкалари | |
|--|--|---|
| | оригинал сценарий | эълон қилинган адабий асарлар мотивлари бўйича яратилган сценарий |
| тўла метражли | | |
| Сценарий киностудия томонидан тасдиқланганда | 92 | 48 |
| Тайёр кинофильм қабул қилиб олинганда | 140 | 72 |
| қисқа метражли | | |
| Сценарий киностудия томонидан тасдиқланганда | 10 | 6 |
| Тайёр кинофильм қабул қилиб олинганда | 28 | 14 |

2. Мультипликацион фильмларнинг адабий сценарийларини яратганлик учун муаллифлик ақининг энг кам ставкалари:

| Муаллифлик ҳақи тўловлари | Энг кам ойлик иш ҳақига нисбатан коэффициент бўйича муаллифлик ҳақининг энг кам ставкалари | |
|---|--|--|
| | тўла метражли мультипликацион фильмлар | қисқа метражли мультипликацион фильмлар (1 қисмдан 4 қисмгача ажгли) |
| Оригинал адабий сценарийлар | | |
| Сценарий киностудия томонидан тасдиқланганда | 32 | 1 қисм — 6 2 қисм — 12 3 қисм — 15 4 қисм — 18 |
| Тайёр кинофильм қабул қилиб олинганда | 36 | 1 қисм — 6 2 қисм — 8 3 қисм — 10 4 қисм — 12 |
| Эълон қилинган адабий асарлар мотивлари бўйича яратилган сценарийлар | | |
| Сценарий киностудия томонидан тасдиқланганда | 24 | 11 |

Изоҳ: қисқа метражли мультипликацион фильмнинг битта қисми 10 дақиқадан иборат бўлади.

3. Хужжатли, илмий-оммабоп, ўқув, маънавий-маърифий, воқеали кинофильмлар, киножурналлар, киносолномалар ва видеороликларнинг адабий сценарийларини яратганлик учун муаллифлик ақининг энг кам ставкалари:

3.1. Материални олдиндан ўрганган ва тўплаган ҳолда, шунингдек суратга олиш жойини ва объектларини ўрганган ҳолда мавзуни мустақил равишда оригинал тарзда ижодий ҳал қилиш билан боғлиқ сценарийлар:

| Кинофильмнинг тури ва ҳажми | Энг кам ойлик иш ақига нисбатан коэффициент бўйича муаллифлик ҳақининг энг кам ставкалари |
|--|---|
| Қисқа метражли хроникал-хужжатли ва илмий-оммабоп кинофильмлар ва киножурналлар: | |
| 1 қисм | 18 |
| 2 қисм | 27 |
| 3 қисм | 34 |
| 4 қисм | 42 |
| 5 ва ундан кўп қисмдан иборат бўлган тўла метражли хроникал-хужжатли ва илмий-оммабоп кинофильмлар | 67 |
| Қисқа метражли ўқув ва маънавий-маърифий кинофильмлар: | |
| 1 қисм | 5 |
| 2 қисм | 10 |
| 3 қисм | 15 |
| 4 қисм | 20 |
| 5 ва ундан кўп қисмдан иборат бўлган тўла метражли кинофильмлар | 25 |

3.2. Мазмуни асосан суратга олинаётган воқеа материали билан аниқланадиган кинофильмлар сценарийлари:

| Кинофильмнинг тури ва ҳажми | Энг кам ойлик иш ақига нисбатан коэффициент бўйича муаллифлик ҳақининг энг кам ставкалари |
|---|---|
| Қисқа метражли воқеали хроникал-ҳужжатли кинофильмлар ва киносолномалар: | |
| 1 қисм | 7 |
| 2 қисм | 10 |
| 3 қисм | 14 |
| 4 қисм | 19 |
| 5 ва ундан кўп қисмдан иборат бўлган тўла метражли воқеали хроникал-ҳужжатли кинофильмлар | 25 |
| Киноальманахлар | 1 қисм учун 15 |

4. Тўла метражли ва қисқа метражли кинофильмлар учун қўшиқлар матнларини яратганлик учун муаллифлик ақининг энг кам ставкалари:

| Муаллифлик ақи тўловлари | Энг кам ойлик иш ақига нисбатан коэффициент бўйича муаллифлик ҳақининг энг кам ставкалари |
|--------------------------|---|
| Битта қўшиқ матни учун | 20 |

5. Кинофильмлар учун оригинал мусиқа яратганлик учун муаллифлик ҳақининг энг кам ставкалари:

5.1. Бадий кинофильмларга оригинал мусиқа яратганлик учун муаллифлик ҳақининг энг кам ставкалари:

| Муаллифлик ҳақи тўловлари | Энг кам ойлик иш ҳақига нисбатан коэффициент бўйича муаллифлик ҳақининг энг кам ставкалари | |
|---|--|--------------------------------------|
| | мусиқали бадий фильмлар | бадий кинофильмлар |
| Мусиқа киностудия томонидан қабул қилиб олинганда | фойдали овознинг 1 дақиқаси учун 1,4 | фойдали овознинг 1 дақиқаси учун 1,0 |

5.2. Қисқа метражли хроникал-ҳужжатли, публицистик, илмий-оммабоп ва воқеали хроникал-ҳужжатлар кинофильмлар ва киносолномаларга оригинал мусиқа яратганлик учун муаллифлик ҳақининг энг кам ставкалари:

| Муаллифлик ақи тўловлари | Энг кам ойлик иш ақига нисбатан коэффициент бўйича муаллифлик ҳақининг энг кам ставкалари |
|---|---|
| Мусиқа киностудия томонидан қабул қилиб олинганда | фойдали овознинг 1 дақиқаси учун 0,8 |

Изоҳ: ушбу иловада белгиланган ҳақ тўлашнинг энг кам ставкалари видео-телефильмлар учун ҳам қўлланади.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2017 йил 14 августдаги
ПҚ–3201-сон қарорига
5-ИЛОВА

**Кинофильмлар учун маслаҳатлар бериш бўйича мутахассислар
меҳнатига ҳақ тўлашнинг энг кам
СТАВКАЛАРИ**

1. Хроникал-ҳужжатли, ўқув,маънавий-маърифий кинофильмлар ва киносолно-малар учун маслаҳатлар бериш бўйича мутахассислар меҳнатига ҳақ тўлашнинг энг кам ставкалари:

| Кинофильмнинг ажми | Фильмлар учун маслаҳатлар бериш бўйича мутахассислар ме натиға ақ тўлашнинг энг кам ойлик иш ақиға нисбатан энг кам ставкалари | |
|---------------------------------------|--|--|
| | адабий сценарий яратиш бўйича маслаҳатлар бериш | кинофильмни қабул қилиб олишда маслаҳатлар бериш |
| 1 қисм | 4 | 7 |
| 2 қисм | 7 | 10 |
| 3 қисм | 10 | 15 |
| 4 қисм | 15 | 20 |
| Тўла метражли — 5 ва ундан кўп қисмли | 20 | 25 |

2. Илмий-оммабоп кинофильмлар учун масла атлар бериш бўйича мутахассислар меҳнатига ҳақ тўлашнинг энг кам ставкалари:

| Кинофильмнинг ажми | Фильмлар учун маслаҳатлар бериш бўйича мутахассислар ме натиға ақ тўлашнинг энг кам ойлик иш ақиға нисбатан энг кам ставкалари | |
|---------------------------------------|--|--|
| | адабий сценарий яратиш бўйича маслаҳатлар бериш | кинофильмни қабул қилиб олишда маслаҳатлар бериш |
| 1 қисм | 7 | 12 |
| 2 қисм | 14 | 21 |
| 3 қисм | 21 | 28 |
| 4 қисм | 28 | 35 |
| Тўла метражли — 5 ва ундан кўп қисмли | 32 | 40 |

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2017 йил 14 августдаги
ПҚ-3201-сон қарорига
6-ИЛОВА

**Кинофильмлар постановкаси учун уларнинг бадий даражасига
кўра суратга олиш гуру ларининг ижодий ходимларига
постановка қилганлик ақининг энг кам
СТАВКАЛАРИ**

1. Тўла метражли ва қисқа метражли бадий кинофильмлар постановкаси учун суратга олиш гуруҳлари ходимларига постановка қилганлик ҳақининг энг кам ставкалари:

| Ижодий ходимларнинг тоифалари | Постановка ҳақининг энг кам ойлик иш ҳақиға нисбатан ставкалари коэффициенти | |
|--|--|------------------------------------|
| | тўла метражли | қисқа метражли, ҳар 10 дақиқа учун |
| Постановкачи кинорежиссёр | 200 | 30 |
| Кинорежиссёр | 50 | 7 |
| Постановкачи кинооператор | 100 | 14 |
| Постановкачи рассом | 70 | 10 |
| Кийимлар бўйича постановкачи рассом | 30 | 4 |
| Овоз оператори | 30 | 4 |
| Мураккаб суратга олишлар бўйича кинооператор | 20 | 3 |
| Мураккаб суратга олишлар бўйича рассом | 20 | 3 |
| Пардозчи рассом | 20 | 3 |
| Монтажчи | 20 | 3 |
| Суратга олиш гуруҳи директори | 30 | 4 |

2. Бадий-публицистик кинофильмлар постановкаси учун суратга олиш гуру лари ходимларига постановка қилганлик ақининг энг кам ставкалари:

| Ижодий ходимларнинг тоифалари | Постановка ҳақининг энг кам ойлик иш ақиға нисбатан коэффициент бўйича энг кам ставкалари |
|-------------------------------|---|
| Постановкачи кинорежиссёр | 180 |
| Кинорежиссёр | 40 |
| Постановкачи кинооператор | 90 |
| Овоз оператори | 30 |
| Монтажчи | 30 |
| Суратга олиш гуруҳи директори | 30 |

3. Мультипликацион фильмлар яратганлик учун суратга олиш гуру лари ходимларига постановка қилганлик ақининг энг кам ставкалари:

3.1. Тўла метражли (5 ва ундан кўп қисмли) мультипликацион фильмлар яратганлик учун постановка қилганлик ҳақининг энг кам ставкалари:

| Ижодий ходимларнинг тоифалари | Постановка ҳақининг энг кам ойлик иш ҳақиға нисбатан коэффициент бўйича энг кам ставкалари | |
|-------------------------------|--|-----------------------------------|
| | чизма мультипликацион фильмлар | қўғирчоқ мультипликацион фильмлар |
| Кинорежиссёр | 100 | 100 |
| Кинооператор | 30 | 30 |
| Постановкачи рассом | 100 | 100 |
| Овоз оператори | 10 | 10 |
| Суратга олиш гуруҳи директори | 15 | 15 |

3.2. Компьютер чизмаси асосида тўла метражли мультипликацион фильмлар яратганлик учун постановка қилганлик ҳақининг энг кам ставкалари:

| Ижодий ходимларнинг тоифалари | Постановка ҳақининг энг кам ойлик иш ақиға нисбатан коэффициент бўйича энг кам ставкалари |
|-------------------------------|---|
| Кинорежиссёр | 50 |
| Компьютер чизмаси дастурчиси | 80 |
| Постановкачи рассом | 70 |
| Овоз оператори | 5 |
| Гуруҳ директори | 5 |

3.3. Қисқа метражли мультипликацион фильмлар яратганлик учун суратга олиш гуруҳлари ходимларига постановка қилганлик ҳақининг энг кам ставкалари:

| Ижодий ходимларнинг тоифалари | Постановка ақининг энг кам ойлик иш ақиға нисбатан коэффициент бўйича энг кам ставкалари | | | |
|--|--|-------------------|-------------------|-------------------|
| | 1 қисмли фильмлар | 2 қисмли фильмлар | 3 қисмли фильмлар | 4 қисмли фильмлар |
| Чизма мультипликацион фильмлар | | | | |
| Кинорежиссёр | 50 | 70 | 80 | 90 |
| Кинооператор | 20 | 21 | 24 | 27 |
| Постановкачи рассом | 50 | 70 | 80 | 90 |
| Овоз оператори | 10 | 12 | 13 | 14 |
| Суратга олиш гуруҳи директори | 10 | 12 | 13 | 14 |
| Қўғирчоқ мультипликацион фильмлар | | | | |
| Кинорежиссёр | 50 | 70 | 80 | 90 |
| Кинооператор | 20 | 21 | 24 | 27 |
| Постановкачи рассом | 50 | 70 | 80 | 90 |
| Овоз оператори | 10 | 12 | 13 | 14 |
| Суратга олиш гуруҳи директори | 10 | 12 | 13 | 14 |

Қисқа метражли мультипликацион фильмнинг бир қисми бир биридан мустақил алоҳида сюжетлардан иборат бўлиши мумкин. Ҳар бир сюжет учун ҳақ суммаси тўлиқ дақиқагача яхлитланади ҳамда қисқа метражли мультипликацион фильмнинг ўндан бир қисмига пропорционал миқдорда тўланади.

4. Тўла метражли бадий фильмларни дубляж қилганлик учун суратга олиш гуруҳлари ходимларига постановка ақининг энг кам ставкалари:

| Ижодий ходимларнинг тоифалари | Постановка ҳақининг энг кам ойлик иш ҳақиға нисбатан коэффициент бўйича энг кам ставкалари | | | |
|-------------------------------|--|----------------|---|----------------|
| | хорижий фильмларни ўзбек тилига дубляж қилиш | | миллий фильмларни чет тилларга дубляж қилиш | |
| | тўла метражли | қисқа метражли | тўла метражли | қисқа метражли |
| Кинорежиссёр | 30 | 15 | 30 | 15 |
| Овоз оператори | 12 | 6 | 12 | 6 |
| Суратга олиш гуруҳи директори | 12 | 6 | 12 | 6 |

5. Тўла метражли ва қисқа метражли бадий фильмларни чет элларда реклама қиладиган 1 қисмли кинофильмларни яратганлик учун суратга олиш гуру лари ходимларига постановка қилганлик ақининг энг кам ставкалари:

| Ижодий ходимларнинг тоифалари | Постановка ҳақининг энг кам ойлик иш ақига нисбатан коэффициент бўйича энг кам ставкалари |
|--|---|
| Кинорежиссёр | 5 |
| Мураккаб суратга олишлар бўйича кинооператор | 3 |
| Мураккаб суратга олишлар бўйича рассом | 2 |
| Овоз оператори | 2 |
| Суратга олиш гуруҳи директори | 2 |

6. Хроникал-хужжатли, илмий-оммабоп, ўқув ва маънавий-маърифий кинофильмлар постановкаси учун суратга олиш гуру и ходимларига постановка қилганлик ақининг энг кам ставкалари:

6.1. Тўла метражли хроникал-хужжатли, илмий-оммабоп, ўқув ва маънавий-маърифий кинофильмлар постановкаси учун постановка қилганлик ҳақининг энг кам ставкалари:

| Ижодий ходимларнинг тоифалари | Постановка ҳақининг энг кам ойлик иш ҳақиға нисбатан коэффициент бўйича энг кам ставкалари |
|-------------------------------|--|
| Кинорежиссёр | 35 |

| Ижодий ходимларнинг тоифалари | Постановка ҳақининг энг кам ойлик иш ҳақиға нисбатан коэффициент бўйича энг кам ставкалари |
|-------------------------------|--|
| Кинооператор | 27 |
| Монтажчи | 10 |
| Овоз оператори | 10 |
| Суратға олиш гуруҳи директори | 10 |

6.2. Қисқа метражли хроникал-хужжатли, воқеали, илмий-оммабоп, ўқув ва маънавий-маърифий кинофильмлар постановкаси учун постановка ҳақининг ставкалари:

| Ижодий ходимларнинг тоифалари | Постановка ҳақининг энг кам ойлик иш ҳақиға нисбатан коэффициент бўйича энг кам ставкалари | | | |
|-------------------------------|--|-------------------|-------------------|-------------------|
| | 1 қисмли фильмлар | 2 қисмли фильмлар | 3 қисмли фильмлар | 4 қисмли фильмлар |
| Кинорежиссёр | 12 | 16 | 21 | 28 |
| Кинооператор | 8 | 12 | 15 | 22 |
| Монтажчи | 3 | 5 | 6 | 8 |
| Овоз оператори | 3 | 5 | 6 | 8 |
| Суратға олиш гуруҳи директори | 3 | 5 | 6 | 8 |

7. Хроникал- ужатли киноальманахлар ва киножурналлар постановкаси учун постановка ҳақининг энг кам ставкалари:

| Ижодий ходимларнинг тоифалари | Постановка ҳақининг энг кам ойлик иш ҳақиға нисбатан коэффициент бўйича энг кам ставкалари |
|--|--|
| Кинорежиссёрға | 22 |
| Шу жумладан: | |
| киноальманахни монтаж қилганлик учун | 4 |
| киноальманахға киритилган сюжет учун | 6 |
| Кинооператорға умуман киноальманах учун | 18 |
| Шу жумладан, киноальманахға киритилган сюжет учун | 6 |
| Овоз операториға умуман киноальманах учун | 12 |
| Суратға олиш гуруҳи директориға умуман киноальманах учун | 12 |
| Шу жумладан, киноальманахға киритилган сюжет учун | 2,5 |

Изоҳ: хроникал-хужжатли киноальманах — бир нечта хужжатли, воқеали сюжетлар бирлашмаси.

8. Киносолномалар учун сюжетлар постановкаси учун постановка ақининг энг кам ставкалари:

| Ижодий ходимларнинг тоифалари | Постановка ҳақининг энг кам ойлик иш ақига нисбатан коэффициент бўйича битта сюжет учун энг кам ставкалари |
|--------------------------------------|---|
| Оператор | 6 |
| Овоз оператори | 2,5 |
| Суратга олиш гуруҳи директори | 2,5 |

Изоҳ:

- 1. Киносолнома — тарих учун ҳақиқий воқеаларни суратга олиш.*
- 2. Ушбу илованинг 1, 2, 6 ва 8-бандларида белгиланган ҳа тўлаш ставкалари видео-телефильмларни яратишда ҳақ тўлашнинг белгиланган ставкаларининг 75 фоизи ҳисобидан қўлланади.*
- 3. Видеофильм -видеокамера ёрдамида магнитли тасмага суратга олинган кинокартина.*

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2017 йил 14 августдаги
ПҚ-3201-сон қарорига
7-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2018 йил
1 январдан бошлаб ўз кучини йўқотган деб эътироф
этилаётган айрим қарорлари
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Муаллифлик ҳақи ва бошқа ҳақ тўлаш турлари ставкаларини тасдиқлаш тўғрисида» 2007 йил 8 январдаги 8-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2007 й., 1-сон, 4-модда).

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» 2017 йил 11 майдаги 270-сон қарорининг 23-банди.